

ISSN: 2181-9416



ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ

ВЕСТНИК ЮРИСТА * LAWYER HERALD

ҲУҚУҚИЙ, ИЖТИМОИЙ, ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ЖУРНАЛ



CYBERLENINKA

НАУЧНАЯ ЭЛЕКТРОННАЯ
БИБЛИОТЕКА
LIBRARY.RU

ISSN 2181-9416
Doi Journal 10.26739/2181-9416

ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ

6 СОН, 2 ЖИЛД

ВЕСТНИК ЮРИСТА

НОМЕР 6, ВЫПУСК 2

LAWYER HERALD

VOLUME 6, ISSUE 2



TOSHKENT-2022

ДАВЛАТ ВА ҲУҚУҚ НАЗАРИЯСИ ВА ТАРИХИ.
ҲУҚУҚИЙ ТАЪЛИМОТЛАР ТАРИХИ

1. ОЧИЛОВ Ўткир Сайфуллоевич

ҲУҚУҚИЙ ОНГ ВА МАДАНИЯТНИНГ ШАКЛЛАНИШИДА ҲУҚУҚИЙ АХБОРОТНИНГ ЎРНИ . 8

КОНСТИТУЦИЯВИЙ ҲУҚУҚ. МАЪМУРИЙ ҲУҚУҚ.
МОЛИЯ ВА БОЖХОНА ҲУҚУҚИ

2. НАРИМАНОВ Бекзод Абдувалиевич

НОДАВЛАТ ТИЖОРАТ ТАШКИЛОТЛАРИГА ЎЗИНИ ЎЗИ ТАРТИБГА СОЛИШ ҲУҚУҚИНИ
БЕРИШ: НАЗАРИЙ-ҲУҚУҚИЙ МУАММОЛАР 13

3. МУРОДУЛЛАЕВА Гулинур Хикматулло қизи

ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ ТИЗИМИДА МАНФААТЛАР ТЎҚНАШУВИНИНГ
ҲУҚУҚИЙ ТАБИАТИ 19

4. АДILКАРИЕВА Феруза

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯВИЙ СУДИ ВАКОЛАТЛАРИНИНГ
ТАКОМИЛЛАШУВ ДИНАМИКАСИ 26

5. РАХМОНОВ Зафаржон Зайниддинович

КОРРУПЦИЯ ВА МАНФААТЛАР ТЎҚНАШУВИ ДАВЛАТ ФУҚАРОЛИК ХИЗМАТИНИ
БЕКОР ҚИЛИШНИНГ МУҲИМ БЕЛГИСИ..... 31

ФУҚАРОЛИК ҲУҚУҚИ. ТАДБИРКОРЛИК ҲУҚУҚИ.
ОИЛА ҲУҚУҚИ. ХАЛҚАРО ХУСУСИЙ ҲУҚУҚ

6. САЙДИВАЛИЕВА Хуршида Ходжиакбаровна

ОИЛАВИЙ-ҲУҚУҚИЙ ШАРТНОМА ОИЛАВИЙ МУНОСАБАТЛАРНИ
ТАРТИБГА СОЛИШ ВОСИТАСИ СИФАТИДА 36

7. ДЖУМАНОВ Аскар Хасанович

ПРАВОВАЯ ПРИРОДА ХОЗЯЙСТВЕННОГО ТОВАРИЩЕСТВА В УЗБЕКИСТАНЕ 42

8. ИЛХОМБЕКОВ Жасурбек Илхомбек ўғли

АХБОРОТ ТУШУНЧАСИ, МОҲИЯТИ, ҲУҚУҚИЙ ЖИҲАТИ ВА КАФОЛАТЛАРИ 49

МЕҲНАТ ҲУҚУҚИ. ИЖТИМОЙ ТАЪМИНОТ ҲУҚУҚИ

9. MURODULLAYEV Dostonjon Nigmatullo o'g'li

МЕҲНАТ ШАРТНОМАСИНИНГ ТАРАФЛАР ИХТИЙОРИГА БОГ'ЛИҚ ВО'ЛМАГАН HOLATLAR
BO'YICHA BEKOR QILINISHINING UMUMIY TAVSIFI 54

ХАЛҚАРО ҲУҚУҚ ВА ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ

10. ЮНУСОВ Ҳайдарали

ЕВРОПА ИТТИФОҚИНИНГ МАРКАЗИЙ ОСИЁДАГИ СИЁСАТИ:
МУВОЗАНАТЛАР ГИРДОБИ ЁКИ ДОР УСТИДАГИ ДОРБОЗ 61

11. МАХАМАТОВ Махмуд

ЕВРОПА ИТТИФОҚИ ДОИРАСИДА МИГРАЦИЯНИ ТАРТИБГА СОЛИШНИНГ
ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ 69

12. РАСУЛОВ Журабек Абдусамиевич

МЕҲНАТ СОҲАСИДА БИРЛАШИШ ЭРКИНЛИГИ ПРИНЦИПИГА ОИД ХАЛҚАРО
СТАНДАРТЛАРНИНГ ҲУҚУҚИЙ ТАБИАТИ 74

13. РАШИДОВА Комила Искандаровна

ЮРИДИЧЕСКАЯ КВАЛИФИКАЦИЯ СОВРЕМЕННЫХ ФОРМ РАБСТВА КАК
МЕЖДУНАРОДНОЕ ПРАВОНАРУШЕНИЕ 81

14. ТУРСУНОВ Ойбек Батырович ХАЛҚАРО МОЛИЯВИЙ МУНОСАБАТЛАРНИ ТАРТИБГА СОЛИШНИНГ НАЗАРИЙ-ҲУҚУҚИЙ МАСАЛАЛАРИ	87
15. ЕСЕМУРАТОВ Алишер Избасарович МЕЖДУНАРОДНО-ПРАВОВЫЕ ОСНОВЫ РЕГУЛИРОВАНИЯ ТРУДОВОЙ МИГРАЦИИ	91
16. ГАНИБАЕВА Шахноза Каримбердиевна ОБЕСПЕЧЕНИЕ НАИЛУЧШИХ ИНТЕРЕСОВ РЕБЕНКА КАК ГАРАНТИЯ РЕЛИЗАЦИИ ПРАВ РЕБЕНКА: АНАЛИЗ МЕЖДУНАРОДНО-ПРАВОВЫХ ДОГОВОРОВ.....	96

ҲУҚУҚИЙ АМАЛИЁТ ВА ХОРИЖИЙ ТАЖРИБА

17. ФАЙЗИЕВ Хайриддин Сирожиддинович ЮРИДИК ХИЗМАТ ФАОЛИЯТИДА ҲУҚУҚИЙ ИШНИНГ НАЗАРИЙ ЖИҲАТЛАРИ	102
18. ШАЯХМЕТОВА Айым Галымбековна ЗАЩИТА ПРАВ ЧЕЛОВЕКА В РЕСПУБЛИКЕ КАЗАХСТАН И РЕСПУБЛИКЕ УЗБЕКИСТАН: ПРИНЦИПЫ СУДОПРОИЗВОДСТВА АДМИНИСТРАТИВНОЙ ЮСТИЦИИ	107
19. ЮЛДАШЕВА Говхержан САМАРКАНДСКИЙ ГЛОБАЛЬНЫЙ ФОРУМ ПО ОБРАЗОВАНИЮ В ОБЛАСТИ ПРАВ ЧЕЛОВЕКА И СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ ПОДГОТОВКИ КАДРОВ В СФЕРЕ ПРАВ ЧЕЛОВЕКА В РЕСПУБЛИКЕ УЗБЕКИСТАН	112

ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ ВЕСТНИК ЮРИСТА LAWYER HERALD

ХАЛҚАРО ҲУҚУҚ ВА ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ

ЮНУСОВ Ҳайдарали

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси
Давлат ва ҳуқуқ институти илмий ходими, юридик фанлар номзоди
E-mail: yunusovkm@gmail.com

ЕВРОПА ИТТИФОҚИНИНГ МАРКАЗИЙ ОСИЁДАГИ СИЁСАТИ: МУВОЗАНАТЛАР ГИРДОБИ ЁКИ ДОР УСТИДАГИ ДОРБОЗ

For citation (иқтибос келтириш учун, для цитирования): ЮНУСОВ Ҳ. Европа Иттифоқининг Марказий Осиёдаги сиёсати: мувозанатлар гирдоби ёки дор устидаги дорбоз // Юрист ахборотномаси – Вестник юриста – Lawyer herald. № 6 (2022) Б. 61-68.



6 (2022) DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9416-2022-6-10>

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақола Европа Иттифоқи ва Марказий Осиё Республикалари алоқаларига бағишланган. Унда икки ва кўп томонлама муносабатлар ривожига таъсир кўрсатиши мумкин бўлган бир қатор ички ва ташқи омиллар хусусида фикр юритилади. Мазкур омиллар Европа Иттифоқини минтақада мувозанатлашган сиёсат юритишга ундайди. Иттифоқнинг Марказий Осиёдаги сиёсатининг муваффақияти ана шу мувозанатнинг барқарор ушлаб турилишига боғлиқ. Шу маънода Европа Иттифоқи муалл6969иф томонидан нозик арқон устида одимлаётган ва катта томоша кўрсатаётган дорбозга ўхшатилади.

Калит сўзлар: Европа Иттифоқи, Марказий Осиё, стратегия, минтақа, ҳамкорлик, шерикчилик, ваколатлар тақсимоли, мувозанат, ёндашув, ўзаро манфаатдорлик.

ЮНУСОВ Ҳайдарали

Старший научный сотрудник Института государства и права
Академии наук Республики Узбекистан
E-mail: yunusovkm@gmail.com

ПОЛИТИКА ЕС В ЦЕНТРАЛЬНОЙ АЗИИ: ВИХРЬ ПРОТИВОВЕСОВ ИЛИ КАНАТОХОДЕЦ, ИГРАЮЩИЙ В ФУНАБУЛИЗМ

АННОТАЦИЯ

Данная статья посвящена отношениям между Европейским Союзом и республиками Центральной Азии. Проанализирован ряд внутренних и внешних факторов, которые могут повлиять на развитие двусторонних и многосторонних отношений. Эти факторы вынуждают Евросоюз проводить сбалансированную политику в регионе. Успех политики Союза в Центральной Азии зависит от стабильного поддержания этого баланса. В этом смысле автор уподобляет Евросоюз канатоходцу, устраивающему грандиозное зрелище на канате.

Ключевые слова: Европейский Союз, Центральная Азия, стратегия, регион, сотрудничество, партнерство, распределение полномочий, баланс, подход, взаимный интерес.

EU POLICY IN CENTRAL ASIA: A VORTEX OF BALANCES OR A TIGHTROPE WALKER
PLAYING FUNAMBULISM

YUNUSOV Khaydarali

Senior researcher of the Institute of State and Law of the
Academy of Sciences of the Republic of Uzbekistan, Candidate of legal sciences
E-mail: yunusovkm@gmail.com

ANNOTATION

This article is devoted to the relations between the European Union and the Central Asian republics. It discusses a number of internal and external factors that may affect the development of bilateral and multilateral relations. These factors force the European Union to pursue a balanced policy in the region. The success of the Union's policy in Central Asia depends on the stable maintenance of this balance. In this sense, the author likens the European Union to a tightrope walker performing a grand spectacle.

Keywords: European Union, Central Asia, strategy, region, cooperation, partnership, distribution of powers, balance, approach, mutual interest.

Марказий Осиё республикаларининг Европа Иттифоқи билан алоқалари ўзига хос хусусиятга эга ва бошқа халқаро ташкилотлар билан кечадиган алоқаларидан тубдан фарқ қилади. Европа Иттифоқининг давлатсимон мураккаб қурилмаси, аъзо давлатларга нисбатан устувор мавқеи, ташкилот мақсад ва вазифаларининг оддий фуқаролар манфаатига тўғридан-тўғри бўйсундирилганлиги ўзаро алоқаларга алоҳида хусусият бахш этади.

Ўзбекистон халқ шоири А.Ориповнинг 1965 йилда “Дорбоз” номли шеъри эълон қилинган. Унда айтиладики:

Булутларга ёндош, осмон остида
Киприкдаги ёшдай турибди дорбоз.
Қиличнинг дамидай арқон устида
Кўзларини юмиб юрибди дорбоз.

Ўша “қиличнинг дамидай арқон устида” юрадиган дорбознинг маҳорати қўлидаги лангардан тўғри фойдалана олиш ва мувозанатни сақлай билишидадир. Агар мувозанатни сақлай олмаса, унинг пастга қулаши аниқ. Жаҳон сиёсатида тобора фаоллашиб бораётган Европа Иттифоқини ўша дорбозга ўхшатиш мумкин. Иттифоқ халқаро майдонда ғоят мувозанатлашган ташқи сиёсат олиб бориши лозим. Бусиз ташқи сиёсат соҳасида ҳеч қандай муваффақиятга эришиб бўлмайди. Бундан Иттифоқнинг Марказий Осиёдаги сиёсати ҳам мустасно эмас.

Шундан келиб чиқиб, Иттифоқ минтақада муваффақиятли ташқи сиёсат юритиши учун қуйидаги мувозанатларни таъминлаши шарт:

Биринчидан, Европа Иттифоқи ташқи сиёсатда, биринчи навбатда, Иттифоқ манфаатларига бўйсундирилган фаолиятини Аъзо давлатларнинг миллий манфаатларни кўзловчи ташқи сиёсати билан мувофиқлаштирган ҳолда институционал ва миллий давлатчилик манфаатларини мувозанатлаштириши лозим;

Иккинчидан, ўзаролик тамойилидан келиб чиққан ҳолда Европа Иттифоқи ўз манфаатларини шерикчилик муносабатлари доирасида Марказий Осиёнинг минтақавий манфаатлари билан мувозанатлаштиришга мажбур;

Учинчидан, Иттифоқ Марказий Осиёдаги сиёсатини минтақа миқёсида “яхлитлаштириши” ва минтақа учун хос бўлган умумий муаммоларга яқдил ечим тақдим этувчи минтақавий ёндашувини минтақадаги ҳар бир давлатга қаратилган ҳамда уларнинг ўзига хослигидан келиб чиқувчи дифференциаллаштирилган индивидуал ёндашув билан мувозанатлаштириши керак. Бунда кўп томонлама алоқалар доирасини икки томонлама алоқалар доираси билан уйғунлаштириш талаб этилади;

Тўртинчидан, Европа Иттифоқининг Марказий Осиёдаги ҳар бир давлатга қаратилган индивидуал ёндашуви минтақа мамлакатлари кесимида мувозанатлаштирилиши тақозо этилади. Айниқса, Иттифоқнинг минтақа мамлакатларига етказиб бераётган молиявий ёрдами тақсимоти улар орасида камситувчи кескин фарқларни намоён этмаслиги лозим;

Бешинчидан, Иттифоқ ўзининг минтақадаги иқтисодий манфаатларини сиёсий манфаатлари билан мувозанатлаштиришга мажбур: инсон ҳуқуқлари ва демократия соҳасида

учинчи мамлакатларга қўйиладиган талаблар унинг соф иқтисодий манфаатларига соя солмаслиги керак;

Олтинчидан, Европа Иттифоқи Марказий Осиё минтақасига ҳам жуғрофий, ҳам геосиёсий жиҳатдан яқинлашиб келар экан, ўзининг яқин истиқболдаги режаларини узоқ истиқболдаги мақсадлари билан мувозанатлаштиришга мажбур. Зотан, ҳар икки минтақа битта жуғрофий маконда жойлашган;

Еттинчидан, Европа иқтисодиётида хусусий секторнинг салмоқли улуши Иттифоқнинг ташқи иқтисодий фаолиятида, хусусан, Марказий Осиё мамлакатларига сармоялар ётқизишида давлат ва хусусий сектор иштирокини мувозанатлаштиришни талаб этади;

Саккизинчидан, “Халқ дипломатияси”нинг икки ва кўптомонлама алоқалардаги фаол иштирокини ошириш Иттифоқнинг асосий вазифаларидан бири экан, Европа Иттифоқининг Марказий Осиё билан алоқаларида расмий ҳукуматлараро институционал мулоқотни норасмий ноинституционал ноҳукумат алоқалар билан мувозанатлашуви муҳим аҳамият касб этади;

Тўққизинчидан, Иттифоқ минтақадаги ўзининг узоқ ва қисқа муддатли стратегияларига мос тактик воситаларни танлай олиши ҳамда улар ўртасида оқилона мувозанат ўрната олиши даркор;

Ва ниҳоят, **ўнинчидан**, Европа Иттифоқи ва Марказий Осиё муносабатларига таъсир этувчи геосиёсий омилларни ҳам унутмаслик лозим. Иттифоқнинг яқин ва узоқ муддатли стратегиялари минтақадаги қудратлироқ иштирокчилар – Россия, Хитой, АҚШ манфаатларини эътиборга олишни ва улар билан мувозанатда бўлишни тақозо этади.

Қуйида мувозанатлашув майдонининг ҳар бир бўғинига қисқача тўхталиб ўтамиз.

1. Ташқи сиёсат соҳасида Европа Иттифоқи ва Аъзо давлатлар ўртасидаги ваколатлар тақсимоти (*principle of conferral*) мувозанатлар майдонининг марказидан жой олади. Иттифоқ Аъзо давлатлар билан келишилган ва мувофиқлашган сиёсат юритиш билангина ушбу мувозанатни таъминлаши мумкин.

Гап шундаки, Европа Иттифоқи ўзида 27 та аъзо давлатни бирлаштирган ҳамда иқтисод ва ижтимоий ҳаётнинг бир қатор соҳаларини ҳуқуқий тартибга солиш ва бошқаришни ўз ваколатига олган тузилмадир. Мазкур соҳаларда Европа Иттифоқи қонунчилик ваколатини амалга оширади, қонунчилик ҳужжатларининг ижроси устидан назоратни таъминлайди, мустақил суд ҳокимиятини ўрнатади. Иқтисод ва ижтимоий ҳаётнинг бошқа бир соҳалари эса Аъзо давлатнинг ваколати остидадир. Булардан ташқари яна бир қатор соҳалар борки, улар Иттифоқ ва Аъзо давлатларнинг биргаликдаги ваколатлари доирасига киради. Биргаликдаги ваколатлар соҳасида мувозанатни таъминлаш, айниқса, осон эмас. Шу тариқа, Европа Иттифоқи ваколатлар тақсимоти тамойили асосида фаолият кўрсатадиган давлатсимон ташкилотнинг ўзидир.

Шунга мос равишда, Европа Иттифоқи ҳуқуқида Иттифоқнинг мутлақ ваколати доирасига кирувчи соҳалар, Аъзо давлатларнинг мутлақ ваколати доирасига ҳавола этилган соҳалар ҳамда Иттифоқ ва Аъзо давлатларнинг биргаликдаги ваколатига кирувчи оралиқ соҳалар мавжуд. Европа Иттифоқининг мутлақ ваколати доирасига кирувчи соҳаларда Европа Иттифоқи ҳуқуқи, Аъзо давлатларнинг мутлақ ваколатига кирувчи соҳаларда миллий ҳуқуқ тўлиқ амал қилади. Уларнинг биргаликдаги ваколатига кирувчи соҳаларда эса – ҳам Европа Иттифоқи ҳуқуқи, ҳам миллий ҳуқуқ механизмлари бирдай ишлай олади.

2007 йилда имзоланган ва 2009 йил 1 декабрда кучга кирган Европа Иттифоқи тўғрисидаги Лиссабон шартномаси Европа Иттифоқи ва Аъзо давлатларнинг мутлақ ва биргаликдаги ваколатларига кирувчи соҳаларни аниқ белгилаб берди [1]. Хусусан, Европа Иттифоқининг амал қилиши тўғрисидаги Лиссабон шартномасининг 3-моддаси Иттифоқнинг мутлақ ваколатлари (*Exclusive competences*)га кирадиган соҳаларни акс эттиради. Европа Иттифоқи тўғрисидаги Лиссабон шартномасининг 5-моддаси 2-бандига мувофиқ, таъсис шартномаларида Иттифоққа тақдим этилмаган барча ваколатлар аъзо давлатларга тегишлидир. Европа Иттифоқининг амал қилиши тўғрисидаги Лиссабон шартномасининг 4-моддаси Иттифоқ ва аъзо давлатларнинг биргаликдаги ваколатлари (*Shared competences*)га кирадиган соҳаларни санаб ўтади.

Ички сиёсатда бўлгани каби ташқи сиёсатда ҳам Европа Иттифоқи ва Аъзо давлатлар ўртасидаги ваколатлар тақсимоти тамойилига риоя этилади: ички сиёсатдаги ваколатлар чегараси Иттифоқ ва аъзо давлатларнинг ташқи сиёсатида ҳам бирдек татбиқ этилади.

Европа Иттифоқининг Марказий Осиё билан алоқаларида ҳам мазкур тамойил ўз аҳамиятини сақлаб қолади. Бироқ бунда, биринчидан, Европа Иттифоқи Марказий Осиёдаги

сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда ваколатлар тақсимоли тамойидан келиб чиқса-да, ҳар қандай ҳолатда Иттифоқнинг манфаатлари билан бир қаторда Аъзо давлатларнинг манфаатларини эътиборга олиши шарт. Иккинчидан, Европа Иттифоқи ўзинг мутлақ ваколатлари доирасига кирувчи соҳалар (масалан, савдо алоқалари ва битимлари)да ҳам Аъзо давлатларнинг институционал ва молиявий манбаларига таянади. Шунинг учун ҳам Иттифоқ бутун ташқи сиёсат тизимида ҳар қандай ҳолатда Аъзо давлатларнинг ташқи сиёсати билан ўз фаолиятини мувофиқлаштириш орқали манфаатлар мувозанатини қарор топтириши лозим. Мувозанатлашган ташқи сиёсатни қарор топтиришда Европа Иттифоқи ҳуқуқининг бирдамлик тамойили (*Principle of solidarity*) ва Иттифоқ (Ҳамжамиятлар)га содиқлик тамойили муҳим роль ўйнайди.

Европа Иттифоқи ва Аъзо давлатлар ўртасидаги ваколатлар тақсимоли ва манфаатлар мувозанатини қарор топтиришга бўлган интилиш Иттифоқнинг Марказий Осиё бўйича стратегияларида яққол кўзга ташланади [2]. Мазкур ҳужжатларда Европа Иттифоқининг Марказий Осиё бўйича стратегиясининг асосий йўналишлари ва тамойиллари ўз аксини топган.

Европа Иттифоқининг 2007 йилдаги биринчи стратегиясида қайд этилишича, “Минтақада янада уйғун ва кўзга кўринадиган ЕИ сиёсатига ҳисса қўшиш учун Аъзо давлатлар Ҳамжамият дастурларини қўллаб-қувватлайди”[□].

“Ушбу Стратегияни амалга оширишда ЕИнинг Махсус вакили ва Комиссия ҳамда Аъзо давлатлар муҳим рол ўйнайди. ЕИ Махсус вакили Олий Вакил номидан ва унинг мандатига мувофиқ, Комиссия ва Раислик билан биргаликда ва *Ҳамжамият ваколатига дахл қилмаган ҳолда* имплементация жараёнини мониторинг қилиб боради, тавсиялар ишлаб чиқади ва Кенгашнинг тегишли органларига мунтазам равишда ҳисобот беради” [3].

Шу тариқа биринчи стратегияда Европа Иттифоқи ва Аъзо давлатларнинг биргаликда амалга оширилиши кўзланган мақсад ва вазифалар тез-тез учрайди, “Комиссия ва Аъзо давлатларнинг дастурлари” жумлалари бир неча марта такрорланади.

2019 йилдаги иккинчи стратегияда ҳам ваколатлар тақсимоли тамойилидан келиб чиққан ҳолда Европа Иттифоқи ва Аъзо давлатларнинг биргаликдаги сайи-ҳаракатлари урғуланади: “Кенгаш натижаларни юқори даражага кўтариш учун қўшма дастурлашнинг ҳамда Комиссия ва Аъзо давлатларнинг икки томонлама ва минтақавий дастурлари ўртасида яхлитлик ва бир-бирини яқиндан тўлдиришнинг муҳимлигини урғулайди” [4].

2. Ўзаролик тамойилидан келиб чиққан ҳолда Европа Иттифоқи ўз манфаатларини шерикчилик муносабатлари доирасида Марказий Осиёнинг минтақавий манфаатлари билан мувозанатлаштиришга мажбур. Чунки, ўзаро манфаатдорлик асосидагина шерикчилик муносабатлари ривожланади ва мустаҳкамланади. Бир томонлама манфаатдорлик барқарор алоқалар учун асос бўлмайди.

Европа Иттифоқи Марказий Осиёда ўзининг инкор этилмас иқтисодий ва геосиёсий манфаатларига эга. Ўз навбатида, Марказий Осиё мамлакатлари Европа Иттифоқи билан чуқур ҳамкорлик алоқаларини ривожлантиришдан манфаатдордир. Қолаверса, ҳамкорликнинг шундай соҳалари борки, ундан ҳар икки минтақа бирдек манфаатдордир. Жумладан, Евроосиёда умумий минтақавий барқарорлик ва хавфсизликни сақлаш ва таъминлаш ҳар икки минтақа учун ҳам долзарб вазифа саналади. Халқаро терроризм, нарқобизнес, экстремизм, ноқонуний миграция ва бошқа кўринишдаги трансмиллий таҳдидларга қарши кураш ва минтақавий барқарорликни таъминлаш ҳар икки минтақа учун бирдек аҳамиятга эга.

Шундай экан, Европа Иттифоқи Марказий Осиё билан ўзаро алоқаларда нафақат ўзининг ёки аъзо давлатларнинг, балки минтақа мамлакатларининг биргаликдаги ёки алоҳида манфаатларини эътиборга олиши ҳамда уларни мувозанатлаштириши лозим бўлади.

3. Иттифоқ Марказий Осиёдаги сиёсатини минтақа миқёсида “яхлитлаштириш” ва минтақа учун хос бўлган умумий муаммоларга яқдил ечим тақдим этувчи минтақавий ёндашувини минтақадаги ҳар бир давлатнинг ўзига хослигидан келиб чиқувчи дифференциаллаштирилган индивидуал ёндашув билан мувозанатлаштириши керак. Яъни, Европа Иттифоқи Марказий Осиёда минтақа мамлакатлари билан ўзининг икки томонлама доирадаги индивидуал ва кўптомонлама доирадаги минтақавий ёндашуви ўртасида мувозанат ўрната олиши муҳим. Ҳамкорликдан кўзда тутилаётган мақсадлар ва вазифалар қайси даражада натижалироқ бўлиши кутилаётган бўлса ёки ҳал этиладиган муаммонинг характерида қараб бу икки ёндашувнинг бири танланиши лозим.

2007 йилда қабул қилинган биринчи стратегияда бу масала ўз аксини яққол топган

эди: “Европа Иттифоқ ва Марказий Осиё: янги шерикчилик учун стратегия” деб ном олган ҳужжатнинг IV-боби (“Икки томонлама ва минтақавий ҳамкорлик”)да Европа Иттифоқи стратегияси мувозанатлашган икки томонлама ва минтақавий ёндашувни ўз ичига олиши таъкидланган. Иттифоқ фикрича, “Инсон ҳуқуқлари, иқтисодий диверсификация қилиш, энергетика ва бошқа соҳавий масалалар, жумладан, ёшлар ва таълим каби масалаларда икки томонлама ҳамкорлик қилиш зарур”.

Минтақавий ёндашув эса уюшган жиноятчилик, одам, гиёҳванд моддалар ва қурол савдоси, терроризм ва қуролларни тарқатмаслик муаммолари, маданиятлараро мулоқот, энергетика, атроф-муҳит ифлосланиши, сув ресурсларини бошқариш, миграция, шунингдек, чегараларни бошқариш ва транспорт инфратузилмалари каби умумминтақавий муаммоларни ҳал қилиш учун мақбулдир. Бу борада Европа Иттифоқи кўп томонлама доирада халқаро молия институтлари, минтақавий ташкилотлар ҳамда тузилмалар билан ҳамкорлик қилади.

2019 йилда қабул қилинган янги стратегияда ҳам икки томонлама муносабатларнинг асосий унсурлари ўз аҳамиятини сақлаб қолди. Хусусан, инсон ҳуқуқларига ҳурмат Европа Иттифоқининг минтақа давлатлари билан икки томонлама муносабатларининг муҳим элементи бўлиб қолиши таъкидланган.

Янги стратегияда Марказий Осиёдаги умумминтақавий ва трансмиллий муаммоларни ҳал этишда Иттифоқ минтақавий ёндашувни сақлаб қолган. Шу билан бирга мазкур муаммоларни ҳал этиш учун минтақа мамлакатларининг ҳам биргаликдаги ёндашуви муҳим аҳамиятга эга эканлиги қайд этилади.

4. Европа Иттифоқи Марказий Осиёнинг барча давлатлари билан ҳамкорлик ва шерикчилик ўрнатишга интилади. Бусиз Иттифоқнинг минтақадаги сиёсати яхлитлик касб этмайди ва парокандаликка юз тутиши мумкин. Иттифоқ минтақанинг ҳар бир мамлакати билан унинг ўзига хос хусусиятларини эътиборга олган ҳолда муносабат ўрнатишни мақсад қилган. Айни пайтда, бундай “ўзига хос хусусиятларини эътиборга олиш” улар орасида камситувчи ҳолатларни келтириб чиқармаслиги керак. Ҳар бир мамлакатнинг шарт-шароитидан келиб чиқувчи дифференциал ёндашув камситувчи ҳолат сифатида талқин этилиши мумкин эмас. Шу боис, Иттифоқнинг Марказий Осиёдаги ҳар бир давлатга қаратилган индивидуал ёндашуви мамлакатлар кесимида тенглик тамойили асосида юритилиши ва оқилона мувозанатлаштирилиши керак бўлади.

Европа Иттифоқининг 1991-2006 йилларда Марказий Осиёга ажратган жами молиявий маблағлар ҳажми 1.387,00 млн. евро ни ташкил этган ҳолда энг кўп маблағ – Тожикистонга (499,75 млн. евро) ва Қирғизистонга (282,25 млн. евро), энг кам маблағ – Туркманистонга (111,35 млн. евро) йўналтирилган [5, Б.41-42].

Европа Иттифоқининг 2021-2027 йилларга мўлжалланган Кўп йиллик индикатив дастурларида минтақа мамлакатлари кесимида Индикатив дастурнинг 2021-2024 йилларни ўз ичига олган биринчи босқичи учун Ўзбекистонга – 83 млн. евро, Қозоғистонга – 16 млн. евро [6, Б.6], Туркманистонга – 18 млн. евро [7, Б.6], Қирғизистонга – 62 млн. Евро [8, Б.19], Тожикистонга – 91 млн. евро [9, Б.22] ажратилган.

Ўтган йиллар тажрибаси шуни кўрсатадики, ЕИ томонидан минтақа мамлакатларига кўрсатиладиган молиявий кўмакнинг тақсимланишида нотекислик кузатилган (айниқса, аҳоли жон бошига ҳисоблаганда) ва бу ўз пайтида минтақа давлатлари орасида норозилик уйғотган эди.

5. Иттифоқ ўзининг минтақадаги иқтисодий манфаатларини сиёсий манфаатлари билан мувозанатлай олиши муҳим. Мустақилликдан кейинги дастлабки ўн йилликларда иқтисодий тиклашга асосий урғуни берган Марказий Осиё республикалари учун инсон ҳуқуқлари ва демократияга оид талаблар пишиб этилмаган масала бўлгани табиий. Айрим ҳолатларда ҳамкорликнинг сиёсийлаштириб юборилгани, яъни сиёсий жиҳатларга асосий урғунинг берилиши ҳар икки томоннинг иқтисодий манфаатларига путур етказиши мумкин.

2007 йилдаги “Европа Иттифоқи ва Марказий Осиё: янги шерикчилик учун стратегия”сида инсон ҳуқуқлари масаласи қонун устуворлигига асосланган ҳуқуқий давлат мавзуси билан биргаликда Иттифоқнинг минтақадаги сиёсатининг устувор йўналиши этиб белгиланган эди.

Айрим кузатувчиларнинг фикрича, Иттифоқнинг 2007 йилда қабул қилинган биринчи стратегияси Марказий Осиё республикаларининг ички сиёсатини “европалаштириш”га бўлган уринишларини пучга чиқарди [10]. Европача демократия ва инсон ҳуқуқларига оид талаблар ва таомиллар кутилган натижаларни бермади.

Шундай бўлса-да, Европа Иттифоқининг 2019 йилда қабул қилинган янги стратегиясида

инсон ҳуқуқларига янада кенгроқ ва чуқурроқ эътибор қаратилади. Хужжатда 20 дан ортиқ ўринларда “инсон ҳуқуқлари” калимаси учрайди. Бироқ, айрим сиёсий таъсирчан масалалар сал юмшатиш оҳангда янграгани сезилади. Масалан, биринчи стратегияда учрайдиган “демократлаштириш” (democratisation) жумласи “демократияни қўллаб-қувватлаш” (promoting democracy) жумласи билан алмаштирилган. Янги стратегияда ЕИнинг моддий-иқтисодий манфаатларни кўзловчи прагматик ёндашув томон қадам босгани кузатилади.

6. Марказий Осиё минтақасига ҳам жуғрофий, ҳам геосиёсий жиҳатдан яқинлашиб келар экан, Европа Иттифоқи ўзининг яқин истиқболдаги режаларини узоқ истиқболдаги мақсадлари билан мувозанатлаштиришга мажбур. Албатта, қисқа муддатли манфаатлар ортидан қувишга асосланган ташқи сиёсат даври ўтган. Бугунги кундаги халқаро муносабатлар кун тартиби узоқни кўзловчи қадамлар мантиғига таянади.

Европа Иттифоқи ва Марказий Осиё узоқ асрлик алоқалар тарихига эга. Тарихий анъаналарга эга мазкур муносабатларнинг истиқболдаги имкониятлари ҳам чексиздир. Ҳар икки минтақанинг битта жуғрофий макон – евроосиё маконида жойлашганлиги Европа Иттифоқидан узоқ муддатли стратегияларни яқин истиқболдаги мақсадлар билан мувозанатлаштиришни талаб қилади.

7. Сармоялар соҳасидаги ҳамкорлик Европа Иттифоқи ва Марказий Осиё муносабатларининг энг муҳим йўналишидир. Европа Иттифоқи ва унинг илғор давлатлари Марказий Осиё учун юқори технологиялар ва сармояларнинг ҳам асосий манбаидир.

Европа Иттифоқининг стратегияларида Марказий Осиё республикаларида ишбилармонлик муҳитини яхшилаш ва тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилиш учун қонунчилик ва институционал асосларни яратишга кўмаклашиш мақсадида савдо билан боғлиқ техник ёрдам ва сиёсий маслаҳатларни амалга ошириш кўзда тутилган.

Европа иқтисодиётида хусусий секторнинг улуши салмоқли экан, Иттифоқ ўзининг ташқи иқтисодий фаолиятида, хусусан, учинчи мамлакатларга сармоялар ётқизишда давлат ва хусусий сектор иштирокини мувозанатлаштириши керак бўлади.

Европа Иттифоқининг Марказий Осиё бўйича янги стратегияси, айниқса, унда кўзда тутилган иқтисодий лойиҳалар давлат ва хусусий сектор (Public-private partnership) иштирокини талаб этади. Шу боис, мазкур лойиҳаларнинг муваффақиятли амалга оширилиши учун Иттифоқ давлат ва хусусий сектор улушини мувозанатлай олиши лозим.

8. Маълумки, XX асрнинг охириги чорагида халқаро маносабатлар тизимига фуқаролик жамияти институтлари кириб кела бошлади, нодавлат ноҳукумат тузилмаларнинг сиёсий таъсири кучайиб борди. БМТ ва бошқа халқаро ташкилотлар доирасида миллий ва халқаро мақомдаги нодавлат ноҳукумат ташкилотларининг роли ошди.

Европа Иттифоқи ва Марказий Осиё муносабатларида ҳам фуқаролик жамияти институтларининг иштироки олқишланади. “Халқ дипломатияси”нинг икки ва кўп томонлама алоқалардаги фаол иштирокини ошириш Иттифоқнинг асосий вазифаларидан бири экан, Европа Иттифоқининг Марказий Осиё билан алоқаларида расмий ҳукуматлараро институционал мулоқотни норасмий ноинституционал алоқалар билан тўлдириш ва мувозанатлаштириш талаб этилади.

ЕИ-Марказий Осиё минтақалараро мулоқотнинг бугунги кунда жорий этилган институционал тизими ЕИнинг халқаро майдондаги вакили бўлмиш Иттифоқнинг Ташқи ишлар ва хавфсизлик сиёсати бўйича Олий вакили Европа Иттифоқи Комиссиясининг вице-Президенти иштирок этадиган **йиллик ЕИ-Марказий Осиё Ташқи ишлар вазирлари учрашуви** (annual EU-Central Asia Foreign Ministers' Meeting) минтақалараро алоқаларнинг марказий институционал бўғини ҳисобланади.

ЕИ-Марказий Осиё муносабатлари фақат расмий доиралар билангина чекланмаслиги лозим. Зотан, мазкур алоқаларнинг энг асосий бенефициарлари оддий одамлар ва жамиятдир. ЕИ-Марказий Осиё муносабатларининг заиф томонлари айнан мана шу мантиқ билан боғланган ҳолда ҳамон долзарблик касб этмоқда.

Европа Иттифоқи ва Марказий Осиё ўртасидаги расмий дипломатик ва ҳукуматлараро алоқалар ўтган йиллар давомида изчил ривожланиб келаётган бўлса-да, норасмий алоқалар (яъни, халқ дипломатияси, нодавлат тузилмалар, фуқаролик жамияти институтлари ўртасидаги муносабатлар) ҳали ҳам етарли даражада ривожланмай қолмоқда. Бу эса ЕИ ва Марказий Осиё жамиятларини ўзаро яқинлашувига раҳна солмоқда.

Мазкур салбий жиҳатлар Европа Иттифоқи-Марказий Осиё муносабатларининг ривожланишига таъсир кўрсатмоқда. Бошқача қилиб айтганда, ЕИ-Марказий Осиё

муносабатларини янада ривожлантириш учун норасмий “халқ дипломатияси”ни кучайтириш тақозо этилмоқда.

Шу мақсад йўлида 2019 йилдаги янги стратегияда фуқаролик жамияти, илмий доиралар ва таҳлил марказлари, шунингдек, Европа Иттифоқи ва Марказий Осиё расмий вакилларини бирлаштирадиган **норасмий “ЕИ-Марказий Осиё форуми”** (*informal “EU-Central Asia Forum”*) шаклидаги доимий учрашувлар ташкил этиш кўзда тутилган. Дастлабки **норасмий “ЕИ-Марказий Осиё форуми”** 2019 йилнинг 5-6 июль кунлари Қирғизистон пойтахти Бишкек шаҳрида ташкил этилди. Навбатдаги Фуқаролик форуми 2020 йил 27 октябрда видеоконференция шаклида бўлиб ўтди. Учинчи Форум 2021 йилнинг 6 октябрида Қозоғистоннинг Алмати шаҳрида ўтказилди. Ииллик анъанага айланиб бораётган норасмий “ЕИ-Марказий Осиё форуми” борган сари Марказий Осиёда фаолият кўрсатаётган фуқаролик институтларини кўпроқ жалб этмоқда.

9. Европа Иттифоқи минтақадаги ўзининг узоқ ва қисқа муддатли стратегияларига мос тактик воситаларни танлай олиши ҳамда улар ўртасида оқилона мувозанат ўрната олиши даркор.

Айрим мутахассислар 2007 йилги стратегия муваффақиятсизликка учраганини таъкидлашади. Бизнинг фикримизча ҳам ЕИ минтақада “кўримсиз” иштирокчи бўлиб қолмоқда, эришилган натижалар бўйича хулосалар ижобий бўлса-да, аниқ натижалар қўлга киритилмади, чунки “мақсадлар жуда кенг бўлган ҳолда уларга эришиш йўллари жуда тор эди” [11, Б.3]. Бундан келиб чиқадики, Иттифоқнинг стратегик мақсадлари билан уларни рўйбга чиқаришнинг тактик воситалари ўзаро мутаносиб бўлгандагина кутилаётган натижаларни қўлга киритиш имконияти пайдо бўлади. Биринчи стратегиянинг асосий сабоқларидан бири ҳам шу бўлган эди.

10. Геосиёсий мувозанат. Европа Иттифоқининг Марказий Осиёдаги яқин ва узоқ муддатли стратегиялари минтақадаги қудратлироқ иштирокчилар – Россия, Хитой, АҚШ, Эрон манфаатларини эътиборга олишни ва улар билан мувозанатда бўлишни тақозо этади.

2019 йилги янги стратегияда учинчи томонларнинг минтақадаги манфаатлари ва иштироки ҳамда улар билан ҳамкорликнинг инкор этилмаслиги тамойили (*non-exclusive principle*) таъкидланади.

Кенгаш хулосаларининг 8-бандида мувофиқ, “ЕИнинг Стратегияси Марказий Осиё мамлакатлари билан учинчи томонларни истисно қилмайдиган шериклик (*non-exclusive partnership*)ни ўрнатишга қаратилган”.

Қизиғи шундаки, но-эксклюзивлик тамойили жуда ўзгарувчан ва геосиёсий реалликка боғлиқ. Янги стратегияда Марказий Осиёдаги бирорта ташқи ўйинчи номма-ном келтирилмайди. Бирорта давлатнинг номи зикр қилинмайди. Зотан, 2007 йилги биринчи стратегияда ЕИнинг **Хитой** билан гиёҳванд моддалар савдоси бўйича ҳамкорлигининг мустақамланиши мақсад қилинган эди. Шунингдек, Европа Иттифоқи Марказий Осиёдаги минтақавий ташкилотлар билан очиқ ва конструктив мулоқотга киришишга ҳамда Шанхай ҳамкорлик ташкилоти, **Евроосиё иқтисодий ҳамжамияти, Коллектив хавфсизлик шартномаси ташкилоти** билан мунтазам махсус алоқалар ўрнатишга тайёрлиги билдирилган эди.

2019 йилги янги стратегияда Европа Иттифоқининг ташқи ўйинчиларга муносабати қисман ўзгарган. **Шанхай ҳамкорлик ташкилоти** ва **Коллектив хавфсизлик шартномаси ташкилоти** каби минтақавий хавфсизлик тузилмаларидаги ўзгаришларни кузатиб бориш Европа Иттифоқи манфаатларига мос келишини таъкидлаш билан чекланган. Эндиликда **Евроосиё иқтисодий ҳамжамияти** ҳақида сўз юритилмайди.

Европа Иттифоқининг Марказий Осиёдаги муваффақиятлари унинг минтақадаги асосий шериклари ва иттифоқчилари билан ҳамкорлигига ҳам боғлиқ. Айни пайтда минтақадаги учинчи рақамли глобал қудратли куч бўлмиш АҚШнинг келажакда Марказий Осиёда қандай роль ўйнаши масаласи очиқ қолаётир.

Қисқача қилиб айтганда, Европа Иттифоқи Россия, Хитой, АҚШ, Эрон, Ҳиндистон ва Туркия билан бир қаторда минтақа геосиёсий майдонида ўз ўрнини топиши муҳим.

Хулоса қилиб айганда, Европа Иттифоқи халқаро майдонда ўзининг мураккаб ташкилий-сиёсий ва ҳуқуқий қурилмаси билан халқаро муносабатларнинг бошқа субъектларидан фарқ қилади. Кўп томонлама манфаатлар, мақсадлар ва вазифалар исканжасида Иттифоқ узоқ ва қисқа муддатли стратегиялар ва уларга мос тактик воситалар танлай билиши, ташкилотнинг ва, айни пайтда, Аъзо давлатларнинг ташқи фаолиятини мувофиқлаштириб бориши ҳамда шу орқали улар орасида оқилона мувозанатни таъминлай олиши лозим. Европа Иттифоқи юқорида шеърий мисраларда тасвирланган “нозик арқон устида одимлаётган” ва катта томоша кўрсатаётган дорбоз билан қисматдошдир. Ўша дорбоздек турли қарама-қаршиликлар оқими

ва жараёнлар гирдобида мувозат сақлай олиш Иттифоқ учун ҳаёт-мамот масаласига айланган. Унинг халқаро майдондаги ўрни, нуфузи ва қудрати мувозатларни қандай ушлаб туришига боғлиқ. Ҳозирги вазиятда Иттифоқнинг бу борадаги ҳолати базўр қониқарли баҳоланиши мумкин, холос. Мувозанатга таъсир қилувчи омилларнинг кумульятив таъсир кучи тобора ошиб борар экан, дор устидаги мувозанатни қарор топтириш ҳам қийинлашиб бораверади. Буларнинг барчаси эндиликда дарбознинг маҳоратига боғлиқ бўлиб қолади.

Иқтибослар /References /Сноски:

1. Treaty of Lisbon amending the Treaty on European Union and the Treaty establishing the European Community / [Treaty on European Union \(TEU\)](#) & [Treaty on the Functioning of the European Union \(TFEU\)](#). // <http://eur-lex.europa.eu> – JO C 83 of 30.03.2010: Consolidated versions of the Treaty on European Union and the Treaty on the Functioning of the European Union.
2. Европа Иттифоқининг Марказий Осиё бўйича “Европа Иттифоқ ва Марказий Осиё: янги шерикчилик учун стратегия” номли биринчи стратегияси 2007 йил 22 июнда Европа Иттифоқига Германиянинг раислик (German EU Presidency) даврида қабул қилинган эди. Матн учун қаранг: The EU and Central Asia: Strategy for a New Partnership. Council of the European Union, Brussels, 31 May 2007, 10113/07/PESC 655/COEST 179: <http://register.consilium.europa.eu/pdf/en/07/st10/st10113.en07.pdf>. Иттифоқининг Марказий Осиё бўйича янги стратегияси “ЕУ ва Марказий Осиё: янада кучлироқ шерикчилик учун янги имкониятлар” номи билан 2019 йил 17 июнда қабул қилинган. Матн учун қаранг: Joint Communication to the European Parliament and the Council. The EU and Central Asia: New Opportunities for a Stronger Partnership. Official Document of the European Commission and High Representative of the Union for Foreign Affairs and Security Policy /Brussels, 15.05.2019 JOIN (2019) 9 final. The text derived from the official source: https://eeas.europa.eu/sites/default/files/joint_communication_-_the_eu_and_central_asia_-_new_opportunities_for_a_stronger_partnership.pdf. Council Conclusions on the New Strategy on Central Asia /Official Document of the Council of the European Union/Brussels, 17 June 2019_ (OR. En) 10221/19_COEST 139 (English). Le text derived from the official source: <https://www.consilium.europa.eu/media/39778/st10221-en19.pdf>.
3. The EU and Central Asia: Strategy for a New Partnership. Council of the European Union, Brussels, 31 May 2007, 10113/07/PESC 655/COEST 179: // <http://register.consilium.europa.eu/pdf/en/07/st10/st10113.en07.pdf>
4. Council Conclusions on the New Strategy on Central Asia /Official Document of the Council of the European Union/Brussels, 17 June 2019_ (OR. En) 10221/19_COEST 139 (English). Le text derived from the official source: <https://www.consilium.europa.eu/media/39778/st10221-en19.pdf>
5. European Community Regional Strategy Paper for Assistance to Central Asia for the period 2007-2013. Annex 4. Overview of EC assistance to Central Asia: 1991-2006. – P. 41-42.
6. Multiannual Indicative Programme (MIP) 2021-2027 for Kazakhstan – P. 6. – EUR 16 million (2021-2024): https://ec.europa.eu/international-partnerships/system/files/mip-2021-c2021-9095-kazakhstan-annex_en.pdf
7. Multiannual Indicative Programme (MIP) 2021-2027 for Turkmenistan – P. 6. – EUR 18 million (2021-2024): https://ec.europa.eu/international-partnerships/system/files/mip-2021-c2021-8986-turkmenistan-annex_en.pdf
8. Multiannual Indicative Programme (MIP) 2021-2027 for Kyrgyz Republic – P. 19. – EUR 62 million (2021-2024): https://ec.europa.eu/international-partnerships/system/files/mip-2021-c2021-8987-kyrgyz-republic-annex_en.pdf#:~:text=This%20Multiannual%20Indicative%20Programme%20%28MIP%29%20responds%20to%20the,a%20strong%2C%20self-sufficient%20and%20prosperous%20state%20by%202040
9. Multiannual Indicative Programme (MIP) 2021-2027 for Tajikistan: – P.22. – EUR 91 million (2021-2024): https://ec.europa.eu/international-partnerships/system/files/mip-2021-c2021-8986-turkmenistan-annex_en.pdf
10. Neil Winn & Stefan Gänzle (2022): Recalibrating EU Foreign Policy Vis-à-vis Central Asia: Towards Principled Pragmatism and Resilience, Geopolitics, DOI: 10.1080/14650045.2022.2042260: <https://eprints.whiterose.ac.uk/184142/1/Recalibrating%20EU%20Foreign%20Policy%20Vis%20vis%20Central%20Asia%20Towards%20Principled%20Pragmatism%20and%20Resilience.pdf>
11. Peyrouse, S. (2017), A Donor without Influence: The European Union in Central Asia, PONARS Eurasia Policy Memo No. 478, p.3; Ana-Maria Anghelescu. European Union and Central Asia – past directions and future perspectives. CES Working Papers/ 2018 – Volume X(3) /www.ceswp.uaic.ro / ISSN: 2067 – 7693: https://www.researchgate.net/publication/329000578_European_Union_and_Central_Asia_-_Past_Directions_and_Future_Perspectives